

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIIY HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 6 APREL, shanba
№ 43 (14534)

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИНING САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайловларини ўтказиш муддатлари ҳақида кўплаб саволлар келиб тушаётгани муносабати билан парламент Раиси депутатлар гуруҳининг ташаббусига кўра, 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Референдуми қарорлари ва "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонун асосида тегишли қарор қабул қилиш таклифини сессия муҳокамасига ҳавола этди. Депутатлар бу таклифни қўллаб-қувватлади ва навбатдаги сайловларни ўтказиш муддатлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тadbиркорлик масалалари кўмитаси

раиси М.Умаралиев сессия муҳокамасига "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўйди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компанияси бошқаруви раиси Р.Матчонов, Нарғай тумани "Пахтакор овози" газетаси бош муҳаррири Т.Тошмуродов, Ромитон тумани ҳокими А.Нозимов иштирок этди.

Қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги каби суғурта тизимини кенг қўллаш зарурлигини таъкидлади. Суғурта ҳаётимизнинг меъёрига айланиши лозим, шу сабабли уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш зарур.

Депутатлар қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

"Фуқароларнинг банклардаги омонатларини

Тошкентда 5 апрель куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди.

ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов масала муҳокамасида Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М.Анварова, Андижон тумани ҳокими Х.Ҳакимов, Навоий тумани ҳокими Э.Бердиев сўзга чиқди. Парламент қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

"Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳақида сессияда Олий Мажлисининг атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси котиби Э.Мирзаев ахборот берди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Элликқалъа тумани ҳокими Н.Худойбергенов, Тошкент давлат аграр университети кафедра мудири А.Абдурахимов, Фарғона тумани марказий шифохонаси бош шифокори М.Мамажонов иштирок этди.

Президент Ислон Каримов ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасида чиқиндиларга эгалик қилиш ҳуқуқларига оид моддага ўзгартириш киритишни таклиф этди.

Олий Мажлис давлатимиз раҳбари таклифини инобатга олиб, мазкур қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Сессия парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси раиси М.Сафоева маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикаси-

нинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритди.

Олий Мажлис Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотини таъсис этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномаларни ратификация қилди. Сессия Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгашининг айрим қарорларини тасдиқлади.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси котибияти раҳбари Г.Латиповнинг сессия давомида фуқаролардан келиб тушган мурожаат-

лар ҳақидаги ахборотини тинглади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2001 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2001 йилдаги фаолияти ҳақида маъруза қилди. Депутатлар Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори М.Нормуродов, "Бухоросувқурилиш" очик турдаги акционерлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Э.Ҳайдаровнинг чиқишларидан сўнг ушбу ҳужжатни тасдиқлади.

Сессия Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини якунлади.

ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли дўстлар!

Олий Мажлисимизнинг бугунги сессияси муҳокама-сига киритилган муҳим масалалардан бири — бу жорий йилнинг 27 январиди бўлиб ўтган умумхалқ референдумининг натижалари ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш билан боғлиқдир.

Бу вазифа бугунги кунда мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг долзарб масала бўлиб турибди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мен фурсатдан фойдаланиб, ана шу вазифани амалга ошириш бўйича ўзимнинг баъзи бир фикр-мулоҳазаларини билдиришни зарур, деб ҳисоблайман.

Аввало, бу борада фикр алмашиш ва хулосалар чиқаришдан олдин:

биринчидан, бўлиб ўтган умумхалқ референдуми нима учун, қандай мақсадда ўтказилди;

Президент Ислон Каримовнинг Олий Мажлис саккизинчи сессиясидаги маърузаси

иккинчидан, референдум нимани кўрсатди, одамларимизнинг қандай қарашларини намоён этди;

Ва, шулардан келиб чиққан ҳолда,

учинчи масала — референдум яқунлари ҳаётимизда қандай акс этади, қандай амалий натижаларга олиб келади, деган саволларга яна бир бор қайтишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Чунки бу саволларнинг моҳиятини ўзимизга яққол тасаввур қилмасдан, референдумда сайловчиларимиз билдирган фикрларни инобатга олмасдан туриб, уларнинг хоҳиш-иродаларини ҳаётга татбиқ этишдек му-

раккаб ва масъулиятли вазифани тўлиқ амалга оширишимиз қийин бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, референдумда умумхалқ муҳокамасига қўйилган иккита масала, яъни келгуси чақириқдан бошлаб парламентимизни икки палатали қилиб ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалалари мамлакатимиз тараққиёти учун муҳимлигини, уларни ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кўрсатадиган катта таъсирини ҳеч ким инкор этолмайди.

Лекин, шу билан бирга, ўтказилган референдумнинг моҳияти ва унинг келгуси ҳаётимизга таъсири фақат шу иккита масала билан чекланиб қолмайди, десам, ўйлайманки, кўпчилик бу фикрга қўшилади.

Барчамизга аён бўлиши керакки, ҳар қандай демократик давлатда ўтказиладиган мана шундай умумхалқ тadbирлари сингари мамлакатимизда бўлиб ўтган референдум сайловчиларимизнинг олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг келажига нисбатан ўз муносабатини билдиришлари учун, таъбир жоиз бўлса, эркин минбар бўлди.

Бошқача қилиб айтганда, кенг миқёсда бошланган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва кучайтиришга доир режаларимиз бўйича, уларни қай йўсинда ва йўналишларда давом эттириш каби масалалар бўйича халқимизнинг фикрини олиш минбари бўлди.

Бугун ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, референдум натижалари, сайловчиларимизнинг ундаги фаол иштироки ва билдирган ишончи том маънода халқимизнинг ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришларни, янгила-ниш, янги жамият қуриш жараёнларини, қолаверса, ҳозирги олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатимизни қўллаб-қувватлаётганини яққол намоён этди.

Ва шу тариқа халқимиз мана шу танлаган йўлимизни давом эттиришга, уни янги, юксак босқичга кўтаришга ўз розилигини берди.

(Давоми 2-бетда)

ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ ОРТТА ҚАЙТМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мухтасар қилиб айтганда, юкорида зикр этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирадиган бўлсак, референдум натижаларидан иккита муҳим хулоса келиб чиқади.

Биринчидан, бизнинг бошлаган йўлимизни, яъни тоталитар тузумдан воз кечиш, юртимизда очик демократик давлат қилиш, ўзини оқламаган, буйруқбозлик тизимига асосланган, ўта марказлашган иқтисодиётдан бутун дунё яшаётган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек саъй-ҳаракатларимизни халқимиз қўллаб-қувватламоқда.

Референдумдан келиб чиқадиган иккинчи хулоса шуки, биз ўзимиз интилган фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ҳеч кимдан кам бўлмайдиган марраларга етиш учун бошлаган ислохотларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш ва янада чуқурлаштиришни ҳозирги вақтда ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, бунинг кенг жамоатчилигимиз, халқимиз катта умид билан биздан кутмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Муҳтарам дўстлар!

Энди референдум якунлари ҳаётимизда қандай акс этади, деган учинчи саволга тўхталсак. Яъни, бу якунлар қандай йўллар билан, қандай тартибда татбиқ қилинади ва қандай амалий натижаларга олиб келади?

Ўз-ўзидан аёнки, агар референдум натижалари, биринчи галда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда ўзининг амалий ифодасини топмаса, ҳавода муаллақ ҳолда осилиб қолиши мумкин.

Юридик луғатларга киритилган "имплементация", деган бир сўз бор. Бу тушунча қонун ёки қарорни амалда жорий қилиш, деган маънони билдиради ва сиёсий-ижтимоий ҳаётда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода, мамлакатимизда ўтказилган референдумнинг натижаларини амалда жорий қилиш мақсадида бугун сизларнинг муҳокаманингизга "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни лойиҳаси қўйилмоқда.

Бу лойиҳа, авваламбор, давлат бошқаруви масаласида, қонунчилик ҳокимияти бўлиши Олий Мажлис таркибини ўзгартириш, яъни қуйи палата — Қонунчилик палатаси ва Сенат деб аталадиган юқори палатани ташкил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йил қилиб ўзгартириш ва мана шу ислохотлар билан боғлиқ бўлган кўпгина муҳим масалаларни ўз ичига олади.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бу ҳуқуқий ҳужжат референдум натижаларини қонунчилик тилида ифода қилиш — муҳрлаб беради ва асосий қонуний бўлиши Конституциямизга тегишли ўзгартиришлар киритишга асос бўлади.

Шу билан бирга, биз бир нарсани англаб олишимиз керакки, ушбу Конституциявий қонун лойиҳаси, ўз моҳиятига кўра, келгусида қабул қилиниши зарур бўлган, ўзгаришлар жараёнини ўзида муккас-сам этадиган янги қонунлар олдиға принципаи талаблар қўяди.

Мана шу қонун лойиҳасини

муҳокама қилиш чоғида, авваламбор, лойиҳада кўрсатилган ўта муҳим масалаларга, яъни келгуси қақариқ Олий Мажлисининг янги таркибига, парламент қуйи ва юқори палатасининг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг қонун қабул қилишдаги ўзаро алоқаси ва муносабати, шу билан бирга, палаталарнинг шаклланиш тартиби, аъзолари сони ва ваколат муддатларини белгилаш принципларига депутатлар томонидан алоҳида эътибор берилди, деб ўйлайман.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ҳамда қуйи — қонун чиқарувчи палата ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов ўтказишнинг ягона муддати белгилаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Қонун лойиҳасига кўра, бу сайловларни ушбу органларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилнинг декабрь ойида, учинчи ўн кунликнинг биринчи якшанбасида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Бундай тартиб қандай амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин?

Биринчидан, кўпгина демократик давлатларда ўрнатилган мана шундай тартиб, яъни сайлов ўтказиш муддатининг аниқ-равшан белгилаб қўйилиши бу соҳада қандайдир ўзбошимчалик бўлиши, кимдир бу муддатларни ўз манфаати учун ишлатишининг, яъни, шу каби субъектив ҳолатлар вужудга келишининг олдини олади.

Шу билан бирга, фуқаролар, халқимиз шуни ўзига яққол тасаввур қилиб оладики, сайловлар фақатгина йилнинг охирида, йил давомида мўлжалланган барча режа ва юмушлар ниҳоясига етказиб олингандан кейин, бафуржа, хотиржамлик ва осудалик вазиятида ўтказилади.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, бундай тартиб қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари ўртасида мувозанат ва уйғунликни таъминлашга, бир-бирининг фаолиятини тақдорламасликка, бу органларнинг ҳар бири ўз вазифасини, ўз бурчини аниқ бажаришига шароит яратди.

Юқори палата — Сенат ҳақида гапирадиган бўлсак, бу палата аъзолари декабрь ойининг охирида Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашларига бўладиган сайловлардан кейин бир ой ўтмасдан, қонунда белгиланган тартибда сайланади.

Яъни, бу масалада ҳам узил-кесил аниқлик киритилган ва у халқимиз томонидан тўғри қабул қилинади, деб ўйлайман.

Барчамизга аёнки, Қонунчилик палатаси, деб ном олган қуйи палата биз учун мутлақо янги тартибда, яъни, доимий профессионал асосда иш олиб боради.

Албатта, шу йўсинда ишлайдиган қуйи палатани сайлаш тартиби ҳам табиий равишда ўзгаради.

Шу муносабат билан, бугун бир нарсани айтишимиз мумкин: бу палатага аъзо бўлиш учун асосий даъвогарлар сифатида сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббус гуруҳлари майдонга чиқади.

Яъни, қуйи палатага касб-кори, профессионал нуқтаи назардан мана шу ишга етарли тайёргарлиги ва интилиши бўлган шахсларнинг ўз номзодларини қўйиб, депутат бўлиб сайланишга ҳаракат қилишлари муқаррар.

Юқори палатанинг қуйи палатадан фарқига келсак, у шундан иборат бўладики, сайловчилар томонидан барча маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар сафидан бу палатага территориял субъектлардан, Қорақалпоғистон Республикаси бўладими, вилоятлар ёки Тошкент шаҳри бўладими, бундан қатъи назар, уларнинг ҳар биридан олти нафардан депутат сайланади.

Улар қаторида Президент томонидан тайинланадиган ўн олти нафар эл-юртда обрў-эътибор қозонган, кўзга кўринган киши ҳам юқори палатанинг аъзоси бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, юқори палата аъзолари жойлардаги вазиятдан яхши хабардор бўлиб, уларни сайлаган кенгашлар билан узвий алоқа боғлаб туради, кўпроқ минтақалар манфаатларини ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган халқ вакиллари сифатида фаолият кўрсатади.

Юқори палатанинг шаклланиш тартибига келсак, бу палата аъзолари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар орасидан уларнинг қўшма йиғилишида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўйлайманки, сайловнинг бундай тартиби демократиянинг ҳар қандай талабларига тўла жавоб беради.

Шуни ҳам айтиш керакки, Сенат қуйи палата билан биргаликда бевосита қонун яратиш иши билан шуғулланмаслиги лозим.

Сенат аъзолари қуйи палата томонидан тақдим этилган қонунларни маъқуллаш ёки рад қилиш орқали, аввало, мамлакатимиз, шу билан бирга, тегишли минтақа манфаатларини инобатга олган ҳолда, қонун ижодкорлиги соҳасида иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни таъкидламоқчиманки, юқори палатанинг ваколатларини белгилаш чоғида бугун Президент бажараётган баъзи бир вазифалар, бошқа бир қанча муҳим масалалар қаторида мана шу палата, яъни Сенат зиммасига юклатилади.

Юқори палата — Сенатнинг қуйи палатадан яна бир фарқи шундан иборатки, агар қуйи палата доимий асосда иш олиб борадиган бўлса, юқори палата — Сенат сессияларда тўпланиб, қуйи палата томонидан тайёрланган қонунларни муҳокама қилади ва ўз қарорини чиқаради.

Шуни таъкидлашимиз керакки, бугун муҳокамага қўйилган Конституциявий қонун лойиҳасида парламентимизнинг янги таркибига ва вазифасига доир фақатгина асосий белгилар кўрсатилган.

Ўз-ўзидан барчамизга аён бўлиши зарурки, Олий Мажлис ва унинг қуйи ва юқори палаталари фаолияти билан боғлиқ бўлган кўпгина мураккаб масалалар бўйича атроф-фуқаролик юритиб, алоҳида қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси ҳали олдимизда турибди.

Ҳеч муволаҳасиз, бу қонунларни тайёрлашда, аввало, ўтган ўн йил давомида тўпланган ўз тажрибамизга таяниб, қадриятларимиз ва тафаккуримизни ҳисобга олган ҳолда, ривожланган демократик давлатларнинг тажрибасини ҳам ўрганиб, уларни ҳаётга татбиқ қилишимиз муҳим аҳамият касб этади.

Хурматли депутатлар! Ҳаммамиз шуни тушуниб олишимиз керакки, биз танлаган марраларга эришиш

йўлида, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва пировардига етказиш борасида янги қонунлар қабул қилишимиз, амалдаги қонунларни эса танқидий кўз билан баҳолаб, уларга замон талаб қиладиган ўзгаришларни киритиш мақсадида ҳали жуда катта ишларни амалга оширишимиз лозим.

Мана шу вазифаларни бажаришда, янги ҳаётимизни қуришда асосий принциплар даражасига кўтарилган қонунларга риоя қилиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бу принциплар нималардан иборат?

Биринчидан. Давлат бошқаруви ва жамият қурилишида демократик андозалар ва таъминотларни янада чуқурроқ татбиқ этиш, ҳокимият — яъни, қонунчилик, ижро ва суд тармоқларининг ўзаро мувозанати ва мутаносиблигини, шу билан бирга, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳар қайси тармоқ ўз вазифа ва бурчини бажариши учун амалий механизмларни ҳаётда ташкил қилиб бериш.

Ҳеч шубҳасиз, бу вазифалар қаторида сайлов тизимини янада такомиллаштириш, сайловчиларимизнинг, халқимизнинг сиёсий онги ва тафаккурини, айти пайтда, сиёсий фаоллигини ошириш вазифалари энг долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Бу масалаларнинг моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, шуни чуқур англаб олишимиз керакки, агар қайси бир мамлакатда ҳокимият тармоқлари ўртасида Конституция ва қонунлар билан белгиланган демократик баланс, яъни мувозанат амалда таъминланмаса ва ҳар қайси ҳокимият тармоғи, бу қонунчилик, ижро ёки суд ҳокимияти бўладими, ўзига юклатилган ваколат ва вазифаларни тўлиқ ва ҳолисона бажармаса, бу ҳолат, ҳеч шубҳасиз, шу мамлакатда авторитар бошқарув усули юзага келишига ва шу руҳдаги қарорлар қабул қилинишига олиб келади.

Натижада давлат ва жамият бошқаруви бўладими, иқтисодиёт ёки ижтимоий-маънавий соҳа бўладими, буларнинг барчасида салбий оқибатлар, халқнинг норозилигига сабаб бўладиган ноҳуш вазиятлар вужудга келиши мумкин.

Биз ўтиш даврида ўз бошимиздан кечирган турли объектив сабаб ва қийинчиликлар туфайли юқорида зикр этилган муҳим вазифанинг ижросини таъмин қилишда кўпгина муаммоларга дуч келганимизни очик айтиш лозим.

Бунда малакали кадрлар ва мутахассисларнинг етишмаслиги, керак бўлса, тафаккуримизнинг оқсоқлиги, вазиятнинг мураккаблиги, энг муҳими, қонунчилик соҳасида етарли тажрибага эга бўлмаганимиз ишимизга ҳар қадамда тўғанок бўлиб турганини ҳам ҳолисона тан олишимиз даркор.

Айни пайтда, шуни ҳам эътироф этиш лозимки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат бошқарувининг кенг қўламли қонунчилик асоси ва ривожланган тизими қарор топди, зарур кадрлар таркиби тайёрланди.

Фуқароларнинг ижтимоий тафаккури, сиёсий маданияти сезиларли даражада ўсди. Демократизм, энди авторитар бошқарув усулларини ҳеч қандай шароит ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан оқлаб бўлмайди.

Мана шу талабларни бажар-

(Давоми 3-бетда)

ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилоят Кенгаши ва Қўшработ туман ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган вилоят ёшларининг оммавий сайли унутилмас, бетакрор жиҳатлари билан таассуротларга бой бўлди.

Тадбир нафақат ўйин-кулгига, балки, қизиқарли баҳс-мунозара, суҳбатларга ҳам бой бўлди. Спортчи ёшлар ҳам ўз маҳоратларини кўз-кўз қилишди, Миллий урф-одатларга кўра тўй маросимлари кўринишида келин-куёв от устида олиб ўтилди. Ёшлар ўз олдларига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга оширишда тўсиқ бўладиган муаммоларини бартараф этиш хусусида фикр алмашдилар. Шунингдек, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан кекса отахон ва онахонлар ҳолидан хабар олинди, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак берилди.

Хулқара УМАРАЛИЕВА

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилоят Кенгаши томонидан ёшлар ўртасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Яқинда вилоят Кенгашининг ташаббуси билан "Қарияларни эъзозлаган юрт" шиори остида катта авлод билан кичик авлод ўртасида учрашув ташкил этилди.

Учрашувда "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" кўрсатувининг 40 йиллиги ҳам муносиб нишонланиб, кўрсатув режиссёри Мираббос Мирзаахмедовни вилоятнинг юзлаб ёшлари билан ўтказган мулоқотлари ёшларимизда қарияларга нисбатан яна бир бора ҳурмат, эъзоз туйғуларини мустаҳкамлади.

Тадбирда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаш раисининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Қуронбоев иштирок этди.

Учрашувда М.Мирзаахмедовга ёшлар тарбиясидаги самарали хизматлари учун Сирдарё вилоят Ҳокимлигининг махсус совғаси топширилди.

Гулида АБДУЛЛАЕВА

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро шаҳар Кенгаши шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида "Бўш иш ўринлари" ярмаркасини ўтказди. Ушбу меҳнат кўргазмаси Бухоро шаҳар Тўқимачилик тумани ҳокимлиги биносида ўтказилиб, унда 104 нафар ёш йигит-қизлар иш сўраб мурожаат қилдилар. Шулардан 61 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар, 43 нафарига ишга йўлланма берилди.

Меҳнат ярмаркасида 18 дан зиёд корхона ва ташкилотлар қатнашиб, бўш иш ўринлари сони 231 тани ташкил этди.

Шухрат АСЛОНОВ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Косон тумани Кенгаши ўқувчи ёшлар ўртасида ҳуқуқбўзарликни олдини олиш, ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида туман ички ишлар ва халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда тумандаги Мирзо Улуғбек номидаги лицей-интернатда ҳамда Эшмурод Эшқувватов номидаги умумтаълим мактабида минтақавий семинар ўтказишди. Унда иштирок этган ҳуқуқшунослар ёшлар ўртасида ҳуқуқбўзарликни олдини олиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун ўқувчиларнинг ҳуқуқий онгини ошириш зарурлигини таъкидладилар.

Зиёда ИСАЕВА

ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

(Давоми. Боши 2-бетда)

ган ҳолдагина биз ҳаётимизда қонун устуворлигини амалда таъминлашга ва мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуришга эриша оламиз.

Иккинчи масала. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш, уларнинг кафолатларини сўзда эмас, реал ҳаётда таъминлаш бизнинг қонунчилик ва амалий фаолиятимизнинг доимий эътибор марказида туриши ҳақида гапириш ортқча, деб ўйлайман.

Бу муаммолар билан узвий боғлиқ бўлган сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш масалалари ҳам ана шу долзарб вазифалар қаторида туради.

Тан олишимиз керак — биз очик, ҳуқуқий-демократик давлат қурмоқчи эканмиз, бу муаммоларни ечиш йўлида ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.

Бу соҳадаги муҳим вазифалардан бири — қабул қилинган қонунларимиз ва ҳуқуқий нормаларнинг ҳаётга татбиқ қилинишини танқидий кўз билан баҳолаб, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича тегишли халқаро ташкилот ва марказлар билан бирга қонунчилигимизни такомиллаштириш устида ишлашимизни, аввало ҳокимият ва суд органларининг бу борадаги масъулиятини оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Учинчидан. Иқтисодий ҳаётимизни эркинлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда қатъий чоралар кўриш, хусусий мулкнинг иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва таъсирини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнесга, ишбилармонлик ва тадбиркорлик соҳаларига янада эркинлик ва имтиёзлар бериш, улар учун барча зарур имкониятларни яратиш ва рағбатлантириш, бир сўз билан айтганда, бу тармоқларни уларнинг қўл-оёғини боғлаб турган занжир ва арқонлардан халос этиш — бу масалалар устида қонунчилик соҳаси ва амалиётимизда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш лозимлиги ҳаммамизга аён бўлиши керак.

Бу масалада биз тараққий топган давлатларнинг ўта муҳим бир тажрибасига эътибор беришимиз лозим.

У ҳам бўлса, эркин иқтисод ривожланиши учун қонунлар билан кафолатланган шароит ташкил қилиб беришдир.

Бу мамлакатларда давлат ҳокимияти, унинг назорат ва текширув органлари иқтисодий ва ҳўжалик субъектларининг ишига аралашмоқчи бўлса, уларга фақат қонун устуворлиги ва унинг бажарилишини таъминлаш нуктаи назаридангина таъсир ўтказиши мумкин.

Бу субъектларга бошқача таъсир ўтказиш қатъийан ман этилади.

Тўртинчидан. Бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим ва долзарб вазифа — у ҳам бўлса, “Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш” деган шиорни амалда рўёбга чиқаришдир.

Бу мақсадга эришиш учун, биринчидан, давлатимизнинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколатларини босқичма-босқич кўйи тизимга, шу жумладан, ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига ўтказиш талаб қилинади.

Булар қаторида биз, биринчи навбатда, ўзини ҳар томонлама оқлаган маҳалла тузилмасини кўзда тутамиз.

Иккинчидан — жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, аввало фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаоллигини оширишга кўмак ва ёрдам кўрсатиш даркор.

Барчамиз бир ҳақиқатни ҳаёлимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Яъни, ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бериши — барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб қолаверади.

Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонунбузарликка, берилган ваколат ва вазифасини суистеъмол қилишга, коррупцияга қарши, айна вақтда, барча ўзбошимчилик ва волюнтаристик қарорларни қабул қилишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбир, деб тан олинади.

Бундай тушунчани кенг жамоатчилик орасида татбиқ этиш ва бу йўналишда ўзимизга мос, ўзимизга хос тегишли қонун ва нормаларни ишлаб чиқиш, унинг амалда бажарилишини таъминлаш — бу масала ҳам биз қураётган демократик жамиятнинг асосий бир аломати ва қондасига айланиши зарур.

Мана шундай эзгу ва амалий мақсадларимизга эришиш ва бу борада керакли ҳуқуқий шароит туғдириб бериш учун, ўйлайманки, “Нодавлат, жамоат тузилмалари ва уюшмаларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг фаолият кўрсатиш кафолатлари ва шартлари тўғрисида” қонун ишлаб чиқиш пайти келди.

Бу ҳуқуқий ҳужжатда, хусусан, нодавлат тузилмаларни қўллаб-қувватлаш учун қонун асосида махсус молиявий жамғармалар ташкил этиш, уларнинг шакллантириш тартибини ҳам кўзда тутиш лозим.

Ва айна пайтда, нодавлат жамоат тузилмаларини яратиш жараёнини рағбатлантиришга оид бошқа иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни ҳам ишлаб чиқишимиз зарур.

Бундай тадбирларнинг асосий мақсади, аввало, жамоатчилигимиз, кенг омманинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш ва шу билан бирга уларнинг давлатимиз ва жамиятимизни бошқариш масаласига кўпроқ жалб қилишдир, десак, айна ҳақиқат бўлади.

Азиз дўстлар!

Биз бугун ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ўта муҳим воқеа бўлган референдум, яъни халқ иродасининг олий ифодаси сифатида ўтказилган умумхалқ тадбирининг натижаларини амалда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жорий этиш ҳақида гапирар эканмиз, барчамиз яхши тушунамизки, бу вазифани, унинг турли оқибатларини бир қарашда, бир чиқиш ёки бир маърузада ўзимизга тўлиқ тасаввур қилишимиз, албатта, бу жуда мураккаб масала.

Ва, ўйлайманки, бундай вазифани охиригача ҳал қилиш учун ҳали кўп ишлашга, мана шу минбарда, парламентимизда бунга тегишли кўп масалаларни муҳокама этиб, аввало, ўз имкониятларимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланиш мақсадида, шу билан бирга жаҳон тажрибаси ва тавсияларини иноватга олган ҳолда, пухта ўйланган кўпгина қонун ва қарорларни қабул қилишга тўғри келади.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Бугун олдимиздаги долзарб вазифалар, келажак режалари ҳақида фикр юритар эканмиз, бундан ўн йил муқаддам шу йўлнинг бошида туриб, халқимиз турмушини ҳавас қиладиган даражага кўтаришга азму қарор қилганимиз, эзгу орзу-мақсадларимизни мураккаб вазиятларда белгилаб олганимиз, қандай оғир ва қийин шароитда иш бошлаганимиз беихтиёр ҳаёлимизга келади.

Очик тан олишимиз керак, ўша вақтда қандайдир иккиланиб турган, керак бўлса, бу йўлга шубҳа билан қараган одамлар ҳам йўқ эмас эди. Буни ҳам тушуниш мумкин.

Чунки, биз илгари дуч келмаган ўта мураккаб вазифа ва муаммоларни ҳал этиш йўллари, бир-биридан оғир масалаларни ечиш учун тайёр рецептлар бўлмаган ўша дастлабки пайтларда бундай иккиланиш ҳолатлари юз бериши ҳам табиий эди.

Бугун бошимиздан кўп машаққатли синов ва оғир қунларни кечириб, босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, биз шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, беш тамойилга асосланган тараққиёт моделимиз, шиоримизга айланиб кетган “Ислохотлар ислохот учун эмас, ислохотлар инсон учун” ва “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг”, деган принципларимиз ҳаётимизда ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Агарки, бугун мендан, ўтган шу ўн йил давомида, Ўзбекистон ва унинг халқи ҳаётида рўй берган энг муҳим ва ҳал қилувчи ўзгариш нимадан иборат, деб сўраса, мен шундай жавоб берган бўлар эдим.

Бугунги Ўзбекистон фуқаролари, халқимиз ўн йил мобайнида жуда катта, асрларга тенг йўлни босиб ўтди ва бугун юртимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳеч қачон ортга қайтмайдиган жараёнга айланди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Энг муҳими, бугун халқимизнинг онгу тафаккурини ўн йил аввалги қарашлар билан солиштирганда, ўртада ер билан осмонча фарқ бор, деб тўла ишонч билан айта оламиз.

Узоққа бормасдан, азиз дўстлар, биродарлар, мана шу муҳташам, ҳамманинг ҳавасини тортадиган Олий Мажлис залида ўтирган депутатларга, ўзимизга боққанда ҳам мана шу ҳақиқатнинг тасдиғини кўриш мумкин.

Биз ўн йил олдин ким эдик ва бугун киммиз?

Биз бугун ўзининг кучи ва салоҳиятига ишонган, ўз меҳнати, ғайрат-шижоати билан халқаро майдонда обрў-эътибор қозongan, эртанги кунга ғурур ва ифтихор, катта ишонч билан қараётган халқнинг вакиллари, шундай мард ва танти халқнинг фарзандларимиз.

Мана шундай олижаноб туйғулар билан, тарих олдида, халқимиз олдида ҳамиша катта масъулият билан яшаш ҳаммамизнинг кундалик ҳаётимиз ва онгу шууримиздан теран жой олишини истардим.

Бизнинг эндиги вазифамиз — мана шу йўлдан оғишмай, бошланган ислохотларни янада чуқурлаштириб, пировард натижага етказиш ва “Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!” деган шиорни амалда рўёбга чиқаришдан иборат.

Бугун мана шундай буюк мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, яна бир масалага алоҳида эътиборингизни тортмоқчиман.

Яъни, кўп хорижий давлатларнинг раҳбарлари билан, бизнинг баъзи бир танқидчиларимиз билан учрашувларда айтадиган гапимни яна бир бор такрорламоқчиман.

Биз янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлидаги ислохотларимизни, ўзгаришларни кимларгадир яхши кўриниш, кимларнингдир ҳомийлигига эришиш, шу тариқа кимлардандир садақа ундириш учун эмас, балки бу ишларни, аввало халқимиз манфаатларига тўла жавоб бергани учун амалга оширмоқдамиз ва келажакда ҳам бундай қараш ва интилишлардан қайтмаймиз.

Биз демократик янгиланиш, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида қанча-қанча қийинчилик ва машаққатлар эвазига қандай ютуқларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасини аввало ўзимиз учун, юртимиз учун, фарзандларимизнинг келажаги, уларнинг бахт-саодати учун, деб билмоғимиз даркор.

Барчамиз учун, бугунги ва келажак авлодлар учун мана шундай қарашлар, юрт ва халқ манфаатларига содиқ бўлиш бизнинг доимий шиоримизга айланиб қолади, иншооллох.

Сўзимнинг охирида ана шу марралар, ана шу эркин ва фаровон ҳаётга етиш, қилган меҳнатларимизнинг роҳатини кўриш барча ватандошларимизга, шулар қаторида сиз муҳтарам депутатларга ҳам насиб этсин, деб тиллак билдиришга ижозат бергайсизлар.

Факр

ТАРИХИ УЛУҒ ВАТАН

Термиз тантаналаридан кейинги кечинма

Сурхон воҳаси — ота юртим. Киндик қоним шу ерда тўкилган. Болалигим кечди. Ундим. Улғайдим. Ҳокисор она тупроқ илдизимга қувват бўлди. Ҳар ҳолда бугун оқ-қорани таниб, элга қўшилдим. Ўзбекистон мен улғайган хонадон бўлса, Сурхондарё шу хонадондаги бешик.

Куни кеча Термизнинг тантанали тўйи бўлди. Тарихи 2500 йилни кексайтирган Термизимиздаги шодиёнани ЎзТВ каналлари орқали ҳаяжон билан кузатдим. Юрагимда ғурур алангаси гуриллади.

Кечки Термиз порлоқ чироклар оғушида эди. Айниқса, майдонда йиғилганлар, менга таниш чехралар орасида Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев, Ўзбекистон Халқ бахшиси Шоберди Болта ўғли, Филология фанлари номзоди, зукко олим Тоштемир Турдиев ва яна бир қанча фаол кишиларнинг сиймосидаги фахрифтихор ифодасини туйиб, бутун сурхондарёликларнинг ҳар бири хонадонидида ўзгача бир тантана, бу тантана завқшавқки юрт бўйлаб кезаяпти, деган ҳаёлга бордим.

Ўтган аждоди, улуғларини

эъозлаган одам бу ҳаётда ёмонлик кўрмайди, униб ўсади. Азиз авлиёлари руҳи шод, зиёратгоҳлари обод Ватан ҳам гуллаб-яшнайдди. Бу ишларга бош-қош бўлган давлат раҳбарининг ҳам руҳи тетик, қалби осмон қадар кенг ва юксак, шижоати тезоқар дарёлар каби шиддатли бўлади. Бундай пайтда, айниқса, халқингдан, Ватанингдан, Сенга ишонган келажакингдан, ҳаётингдан куч оласан, ғайратингга ғайрат қўшилади. Кузатган бўлсангиз, тантана чоғи саҳнада сўз айтган миллий курашимиз паҳлавони, вазни

100 килограммдан ошиқроқ бўлган Тоштемир полвонни Юртбошимиз маҳкам кучоқлаб, даст кўтардилар. У кишига халқимизнинг чехрасидаги қатъият, бугунги шод-хуррамлик, Ватанимнинг фаровон ва тинчлиги куч бериб турибди. Бу куч-қудратнинг илдизи эса саҳоватли она тупроқ бағридан қувват олаяпти. Халқнинг ишончи Инсон иродасини янада мустаҳкамлайди. Бу одамга, қолаверса, барчамизга улуғлар руҳи мадад-кордир.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

МУҲТОЖЛАРГА МАДАД

Хоразм вилоятида нодавлат, нотижасорат ташкилотлари ривожланган бошлади. Айниқса, Хива туманида бундай ташкилотлар сони кўпаймоқда. Уларнинг ичиди “Муҳтож” шиорни маркази алоҳида ўрин тутуди. Айни пайтда ушбу марказга изланувчан ёш оlima, техника фанлари номзоди Гавҳар Дурдиева раҳбарлик қилаяпти. Айни замонда Г. Дурдиева “Хоразм архитектура ёдгорликларини қурилмалар бўйича мустаҳкамлаш” мавзусида докторлик диссертацияси бўйича илмий излаишлар олиб бормоқда.

Бу марказ халқимиз ишончини оқлаётир. Ногирон ва моддий ёрдамга муҳтож ўн тўрт нафар ўсмир қизлар марказ томонидан оталиққа олиниши ўзининг ижобий натижасини берапти. Уларнинг узлуксиз таълим олиши ва касб-хунар ўрганишига марказ амалий ёрдамдан ёрдам берапти. Чунинчи Г. Дурдиева ота-онасиз фарзандларни ўз оиласи бағрида оқ юзиб, оқ тарамоқда.

Зумрад МАТЖОНОВА

«UMID NIHOLLARI — 2002»

Олтин, кумуш ва бронза медаллар

Маълумки, апрель ойи охирида Фарғонада республика умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» мусобақасининг финал баҳслари бўлиб ўтади. Биз мусобақаларга тайёргарлик қизгин паллага кирган айни пайтда аҳволни билиш мақсадида Халқ Таълими Вазирлиги ҳарбий ватанпарварлик, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи ўринбосари Акмал БОБОНОВ билан суҳбатлашдик.

— «Умид ниҳоллари — 2002» га тайёргарликнинг биринчи босқичи ўтган йилнинг сентябрь, октябрь ойларида бўлиб ўтди. Унда Республика миқдори мактабларидан 5 миллион нафардан ошди ўқувчилар қатнашди. Кузги таътил кунларида бўлиб ўтган мусобақаларнинг туман босқичида 1-4-синф ўқувчиларидан ташкил топган

МУСОБАҚА МАЗМУНЛИ ЎТАДИ

211 та жамоанинг 4010 нафар ёш спортчиси туман голиби бўлишди. Туман босқичи баҳсларида 1-4 синфдан жами 846 минг 124 нафар ўқувчилар иштирок этишди. Январь ойида 5-7 синфлар ўртасидаги мусобақанинг вилоят босқичи баҳслари якунига етди. Унда Республика миқдори 211 та жамоанинг 5837 нафар ўқувчиси спортнинг 11 тури бўйича вилоят голиби бўлишди. Мусобақаларда 1 миллион 231 минг 630 нафар ўқувчилар иштирок этишди. Шу кунларда 8-11-синф ўқувчилари ўртасидаги якуний босқич мусобақалари тугаш арафасида. Мазкур вилоят босқичи мусобақаларида ҳаммаси бўлиб 963 минг 110 нафар ўқувчи иштирок этиб, улардан вилоят жамоалари шакллантирилади. Фарғонада бўлиб ўтаётган Республика финал босқичи баҳсларида барча вилоятларнинг 1918 нафар спортчиси 11 тур бўйича голиблик учун кураш олиб боришади.

Барча вилоятларда спортчиларни жойлаштириш, овқатлантириш, кийинтириш ва бошқа масалалар «Умид ниҳоллари — 2002» га тайёргарлик кўриш бош штаби томонидан мувофиқлаштириб борилмоқда. Вилоят босқичига бўлган мусобақаларни ўтказиш жараёнида 347 та спорт зали ва 566 та спорт майдони

қайта таъмирланди. Голиб ўқувчиларни рағбатлантириш, уларга спорт анжомлари-кийимлар олиб бериш ва спорт иншоотларини таъмирлаш учун 74 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Шу кунларда Фарғонада мусобақаларга тайёргарлик ишлари

ниҳоясига етмоқда. Барча имкониётлар Фарғона шаҳридаги марказий майдон, Қирғули туманидаги 6-касб-хунар мактаби ҳамда «Нефтчи» спорт мажмуаси сув ҳавзасидаги камчиликларни тузатишга қаратилган.

Мусобақанинг финал босқичига ташриф буюрган 2366 нафар ёш спортчи Марғилон қурилиш, иқтисодиёт, енгил саноат, Фарғона саноат коллежлари, Фарғона футбол интернати, ҳуқуқий ва академик лицейлари, ФарДУ профилакторийси, Қирғулидаги 6-касб-хунар мактаби, қурилиш коллежи, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси профилакторийсида яшаб, баҳсларда иштирок этишади. Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси томонидан тасдиқланган 40 нафар бош ҳакамлар ҳайъати, 20 нафар футбол ҳаками, 60 нафар расмий мугасадди ва 80 нафар журналист мусобақаларнинг мазмунли ва холис ўтиши учун ўз ҳиссасини қўшади.

«Умид ниҳоллари — 2002» голибларини тақдирлаш учун олтин, кумуш ва бронза медаллари тайёрлаб қўйилди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ,
«Turkiston» мухбири



Бўш келма, полвон!

МЕНИНГ ФИКРИМ

Билимдонликнинг ўзи етарли эмас

Президентимиз Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида бугуннинг раҳбари қандай сифатларга эга бўлиши ҳақида бир қанча қимматли фикрлар билдириб, халқимиз юрагидаги гапларни ўртага ташлади. Эндиликда кишиларимизда бир савол пайдо бўлди. «Раҳбар ким, буйруқбозми, халқни етакловчи?»

Аслида бошқарув тизимининг айрим бўғинларидаги мавжуд бюрократик бошқариш усулларида воз кечиб, демократик тамойилларга ўтиш — Ўзбекистон бошқарув тизимидаги муҳим ва долзарб масалалардан биридир. Бу жойларда ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари иш фаолиятини янада жонлантириш орқали олиб борилади. Хар бир раҳбарнинг раҳбарлик салоҳиятига ва инсонийлик қиёфасига, одамларнинг унга берадиган баҳоси асосий мезон бўлади. Бунинг учун жойларда фуқаролар фикрини ўрганиш марказларини, ташкил қилиш мақсада мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу гуруҳлар жамоатчилик фикрини ўрганиб, олинган маълумотларни ошқора равишда жойлардаги оммавий ахборот

БУЙРУҚБОЗМИ, ЕТАКЛОВЧИ?

воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказиб боришлари зарур. Бу эса ўз навбатида ижро ҳокимияти ва суд ҳокимияти органларида фаолият кўрсатаётган кадрлар устидан ваколатли органлар ва жамоатчилик назоратини таъминлашга хизмат қилади. Бундай марказлар фаолияти ижро ҳокимияти тазйиқидан ҳам холи бўлмоғи мақсадга мувофиқ.

Раҳбар билан бирга ишлаётган ходимлар ўртасидаги муносабатлар тизимини яхшилаш ҳам кадрлар сиёсатини тараққий этган демократик давлатлар намуналари асосида такомиллаштириш учун замин бўлади. Бу тадбир,

айрим раҳбарлар онгида сақлаиб қолаётган манманлик, кибр-ҳавони синдиришга, бошқарувда самимий муносабатларни шакллантиришга ижобий самарасини бериши мумкин. Раҳбарнинг фаолияти ходимлари билан демократик тамойилларга таянган бўлиши замон руҳига мос. Бу ишда қасаба уюшмалари фаолиятини тубдан янгилаш, уни янги замон руҳида ташкил қилмоқ

лозим.
XXI аср бошида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишида, халқнинг — халқ, миллатнинг — миллат

бўлиб яшашида шу миллат вакили бўлган раҳбарларнинг ўз миллати, Ватани манфаатлари учун жон куйдириб ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Бугунги кун раҳбари унга қараб турганларни бирлаштириб, аниқ мақсадлар сари етаклай олиши зарур. Бунга эришиш учун эса очик кўнгилли бўлиш, ўз атрофида соғлом муҳит барпо этиш талаб этилади.

Умар ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши
Академияси тингловчиси

ЗЕБУ ЗАРДАН

ЭЪТИБОР АФЗАЛ

Хонанда Муҳаббат ҒОҒУРОВА
билан суҳбат



—Муҳаббат опа, сизни баҳорда қандай совғалар билан табриклашларини хоҳлардингиз?

—Аёл учун меҳр ва эътибор ҳар қандай зебу зардан афзал. Мени байрам кунларида кимдир эслаб, гул берса, шунинг ўзи етарли. Ширин сўзлар билан ҳаёти этилган совғанинг катта-кичиги, арзон-қимбатининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

—Аввалги кўшиқчилар билан ҳозиргиларнинг фарқи нимада?

—Фарқи катта. Аввал кўшиқчиликда дид, фаросат, эстетик тарбия бўларди. Санъат саҳнасида фақатгина ўзига эмас, овозига, истеъдодига ишонганлар минг истиҳола билан улуғ санъаткор-у, кўпни кўрган устозларнинг оқ фотиҳасини олгандан кейингина чиқариларди. Ҳозир-чи, кечагина бир иккита клипи билан чиққанлар ҳам ўзини санъаткорман, деб юришлариға, айрим матбуот манбалари эса, уларни «юлдуз», деб номлашларига хайрон қоласан

киши.

—Кўшиқчи-ижодкорликда ҳам баъзан «ўғирлик»лар бўлиб турибди. Бунга сиз қандай қарайсиз?

—Куй басталашда бошқа миллатнинг куй- кўшиқларидан ўғирлаб аранжировка қилиш, асар «яратиш» кечирилмас ҳол. Ахир, ҳаёт чархпалаги айланиб, ўша давлатга гостролга борганда ёки улар биз томонларга ташриф буюриб, шу кўшиқни тинглаганда уялиб қолмаймизми? Бу нафақат ўша бастакор кўшиқчини, балки миллатимизнинг ҳам ҳурматини йўқотади.

—Саҳнани муқаддас даргоҳ дейишади. Айрим санъаткорлар эса саҳнанинг орқасидан кўпроқ манфаат кўришни, бойлик орттиришни хуш кўришади.

—Тўғри, шундайлар ҳам бор. Бугунги орқасидан курмак ҳам сув ичади, дейишади-ку. Аммо улар узоққа боролмайдилар. Ҳақиқий санъатни, юракдан яралган кўшиқни халқнинг ўзи яхши билади.

—Ўз кўшиғини куйлаб бўлдим, деб ўйлайсизми?

—Йўқ, бунинг учун ҳали кўп тер тўкишимга тўғри келади. Санъаткор истеъдодининг энг юқори чўққисига чиққанида ҳам «ўз кўшиғини куйлолмадим», дея армон қиларкан. Менда ҳам ўз кўшиғини куйлаш орзуси бор, уни албатта куйлайман.

—Бахт деганда нима ни тушунасиз?

—Аёлнинг бахти фарзандлар камоли, эрнинг ширин сўзи-ю оиланинг бус-бутунлиги, фаровонлигидадир. Яна ўзининг кадр-қимматини юқори қўйгандагина аёл ўз бах-

тини топади. Бахтсизман деган аёлдан «бахтли бўлиш учун нима қилмоқ керак?» деб сўраб кўринг-чи, жавоб беролмайдми.

—Сиз бахтлимисиз?
—Албатта. Икки фарзандим бор, санъатим, мени севгучи мухлисларим бор. Тўғри, бахтим шахзодаси—умр йўлдошимдан бахтсиз тасодиф туфайли айрилганман. Аммо у кишидан қолган ёдгорлик—фарзандларим менинг бир умрлик бахтим.

—Аёл ҳаётда кўпроқ нимани кадрлаши керак?

—Энг аввало ҳаётни, сўнгра ўзи учун азиз оилани, инсонларни кадрлай билсагина, ўзининг ҳам кадри ошади. Менимча, ҳаётнинг гўзаллиги ҳаракатда. Шунинг учун фаол, ҳаракатчан одамларни ёқтираман. Аввало қодир Худо, шу билан бирга ўз бахтини ҳам, бахтсизлигини ҳам одамнинг ўзи яраттади.

—Ҳаётда нималарга эришдингиз-у, яна қандай орзуларингиз ушаламай қолди?

—Ўйлаб қарасам эришганларим заррача, орзуларим эса бисёр. Раҳматли турмуш ўртоғимдан қолган ёдгорлик—икки ўғлимнинг камолини кўриш ва келажакда мухлисларимга янги-янги кўшиқлар ҳаёти орзусидаман. Аёл учун, санъаткор учун бундан-да ортиқ орзу-ният бўлмаса керак.

Дилшод ҚҮЛДОШЕВ
суҳбатлашди

ОДАМИЙСИКНИ УНУТМАНГ

2000 йилнинг 15 июлида яккабоғлик тўққиз ёшли Шохрухжон онасидан кўчага ўртоқлари билан ўйнаб келиш учун рухсат сўрайди.

Ярим соат ўтар-ўтмас онани Яккабоғ туман иккинчи шифохонасига чақиришади. Жигаргўшаси Шохрухжон автофалокатга учраб оғир аҳволда ётганлигини хабар қилишади. Ота-она жон ҳолатда касалхонага етиб келади. Шохрухжон беҳуш, ўлим билан олишиб ётарди. Дўхтирларнинг саъй-ҳаракатлари, тунни тонгга улаб қилган меҳнатлари туфайли Шохрухжон 45 кун даволанди. Аммо, у қўлсиз, оёқсиз, майиб-мажруҳ, тилсиз-забонсиз, ақлан заиф бўлиб қолди.


Бир ота-онанинг соппа-соғ нуридийдасини шу аҳволга солган айбдор Бухор Ражабов эса узр сўраш у ёқда турсин, ҳатто кўнгил сўрашга ҳам ярамади. Тўғри, у Шохрухжонни машинасида уриб юборганидан сўнг уни шифохонага олиб борди. Шу билан қайтиб қорасини кўрсатмади.

—Болам ўлим билан олишиб ётганида, деди Тожихол опа Мансурова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бухор Ражабовнинг отаси ва акаси бир-икки марта келиб ҳолимиздан хабар олган бўлди. Аммо амнистия ҳақидаги фармонга кўра, Бухор Ражабов авф этилгач, уларнинг ҳам оёғи узилди. Биз Бухорнинг оқланганидан норози эмасмиз. Туппа-тузук ўйнаб юрган фарзандимизни бир умр майиб-мажруҳ, ногирон қилиб қўйган Бухор Ражабовнинг лоақал бир марта кўнгил сўрамаганидан эзиламиз. Ахир, у машинасида уриб кетмаганида менинг фарзандим ҳам тенгдошларига ўхшаб чопқиллаб шўх-шодон ўйнаб юрган бўларди-да. Айбни у қилди, жабрини эса биз тортаппиз. Фарзандим бир умр тўшакка михланиб қолди.

«Туркистон-пресс»

Ilal

ЭССИЗ ЁШЛИК



Сигарета чекиш ёшлар учун кундалик одатий ҳолатга айланиб бормоқда. Катта ёшдагилар, ўғил болалар у ёқда турсин, ҳаттоки баъзи аёллар, қизлар ҳам сигарета чекишга ўрганмоқда-

лар. Шу ўринда бир савол пайдо бўлади. Ёшлар чекишга нима сабаб бўлмоқда? Уларга нима етишмайди? Менинг фикримча, ота-оналар, устоз-домлаларнинг бефарқлиги ҳам чекишга ўз таъсирини ўтказмоқда

Яқинда бир воқеанинг шохиди бўлдим. Пойтахтимизнинг Амир Темури хибонада иккита ёш ўзбек қиз сотувчидан сигарет сотиб олд-да, бурқситиб чека бошлади. Шунда бир отахон қизларнинг олдига келиб, қизларим шу қилиқларнинг ўзбекчилигимизга тўғри келармикан, деган танбеҳни берган эди, отахонга қараб қизларнинг бири:

— Сиз кимсиз ўзи? Нима бизнинг отамизмисиз ёки хўжайинимсиз? — дея қўпол сўзлар билан гапириб кетишди. Хўш, бундай ёшларда қандай қилиб кексаларга нисбатан ҳурмат аломатини кўриш мумкин?

Биз ёшлар юртимиз келажагига масъуллигимизни ҳис қилиб яшашимизни қарз деб биламан. Бунга сизнинг фикрингиз қандай?


Ойбек ШАКАРОВ



— Яқинда Ҳаракатнинг ташкил топганига роппароса бир йил тўлади. Бу давр мобайнида Хива тумани Кенгаши қандай ишларни амалга оширди?

— “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини таништириш мақсадида ўқув даргоҳлари ва меҳнат жамоаларида доимий равишда учрашув ва суҳбатлар олиб бордик. Бугунги кунда туманимизда ташкилотимизни билмайдиган ёшлар қолмади, ҳисоб. Шуниси қувонарлики, Ҳаракат аъзолари орасида Кенгашимизнинг нуфузи тобора ортиб бораёпти. Қўлаб ёшлар аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги мурожаатида “Камолот”га ишонч билдирмоқда. Хива — маърифат

маскани. Бу ерда лицей-коллежлар кўп. Бу илм масканларида вилоятимиз ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг турли бурчакларидан келган ёшлар таҳсил олади.



ЮТУҚЛАР ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШСИН

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Хива тумани Кенгаши раиси Бахтиёр ЮСУПОВ билан суҳбат

Чунончи, Хивада фаолият кўрсатаётган Маъмун Академиясида ўнлаб ёш олимлар изланишлар олиб бормоқда. Гулором Машарипова ёш бўлишига қарамадан мазкур даргоҳда тарих, фалсафа ва археология бўлимларини бошқаряпти. Бундай ёш илм фидойиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиланганмиз.

— Бошланғич ташки-

лотлар етакчиларининг фаолияти борасида ҳам сўз юритсангиз?

— Албатта, етакчиларнинг вазифаси алоҳида аҳамиятга эга. Шундай экан, етакчилар танлашда қатъият ва қаттиққўллик талаб қилинади. Илм даргоҳлари ва меҳнат жамоаларидаги Бош-

миллат ойнаси ҳисобланади. Бу ибора Хивага ҳам тегишли. Чунки бу ерга ҳар куни жаҳоннинг турли минтақаларидан ўнлаб сайёҳлар ташиф буюради. Ўтмишнинг нодир ёдгорликлари, ажодларимиз мерос қолдирган бебаҳо осори атиқалар билан танишади.

Юртимиз ҳақида ватандошларимизнинг ички дунёқараши билан чуқур танишгачгина хулоса чиқарилар.

Яқинда бир хорижлик меҳмон билан гурунглашиб қолдим. Унинг ҳайратига сабаб — бир отахонга: “Энг эзгу ниятингиз нима?” дея савол берибди. Шунда отахон кўлини дуога очиб “Илоҳо, ёшларимиз бахтли бўлишсин!”, деган экан. Бундай жавобни ҳар бир қариянинг оғзидан эшитган чет элликларда: “Ўзбек халқи ёшларпарвар экан”, деган фикр уйғониши табиий. Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир ўзбек келажак авлод қайғуси билан яшайди.

Эрпўлат БАХТ суҳбатлашди

Баҳор билан тинчлик, хайру ба-рока келди. Фаслларнинг келинчаги баҳор ҳар гал йўллариға интизор қилиб, энтиктириб, соғинтириб келади. Келади-ю, борлиққа ўз зебу зийнатиғи ёйиб юборади. Қараб турибсизки, тез кунда она табиат “ўн саккиз яшар пари — сулув қиздек” яшнаб кетади. Далалар “қошига” кўм-кўк эсма тортади. Анҳору ариқ бўйларида чучмомалар, бинафшалар очилиб, дилларни яйратади, ошиқлару шоирларни “сайратади”. Ялпиз хиди бутун оламни тутди. Мўтабар момолар, ширинсухан қайноналар келинларини ишга солиб, кўк сомсаю кўк чучваралар пиширишиб, кўни-кўшини, қавм-қариндошларини меҳмон қилишади. Ўзбегимнинг меҳри — қуёшимизнинг ис-сиқлигидан! Муруввати эса заминимиз сажийлигидан! Кўксимиз баландлиги тоғларимиз кабидир! Наврўз ҳақида қанча шоирона га-

пирмайлик барибир озлик қилади.

Миллатимизнинг азалий удуми ҳисобланмиш Наврўз бутун Шарқда йил боши саналиб, ризқ-насиба, яхши ният, тирикчилик ва бай-

моқда.

Наврўз байрамини чеклашган замонлар ҳам бўлди. Бу эса қадимги ривоятлар, бир-биридан гўзал афсоналар, энг муҳими, жасорат ва мардликни, меҳр ва оқибатни, ўзаро ҳурмат, иймон ва этиқодни таққиллаш билан баробар эди. Аввало истиқлол Наврўзни сақлаб қолди! Истиқлол барча-мизни маънавий ту-банлик жарига қулаш хавфидан сақлаб қолди.

Шу кунларга етказганига шукр! Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Юртимиз тинч, фаровон, шунинг учун ҳам Ўзбекистонда яшаётганимга беҳисоб шукроналар айтаман. Бу йилги Наврўзимиз юртимизга янги бахт, тинчлик ва фаровонлик олиб келсин. Истиқлол берган Наврўз кутлуғ бўлсин, юртдошларим! Сизларга меҳру оқибат ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

Адҳам ХОЛИҚОВ, Сирғали тумани

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан академик лицей ва коллежлар талабалари ўртасида математика, информатика, физика, химия, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, инглиз тили фанлари бўйича кўриктанлов ўтказилди. Мазкур танловда 152 нафар талаба иштирок этди. Математика, кимё, инглиз тили фанларидан Қарши Давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчилари Эйтибор Раҳматова, Шохсанам Боймуродова, Салим Мамаражабов, физика, тарих фанларидан Қарши политехника коллежи талабалари Файрат Раҳмонов, Баҳодир Бобононов, информатика фанидан Қарши қишлоқ хўжалик коллежи талабаси Дилмурод Эрмуродов, тил ва адабиёт фанидан Қарши иқтисодиёт коллежи талабаси Дилором Шодмонова, иқтисод фанидан Қарши қишлоқ хўжалик коллежи талабаси Ҳасан Ашуров биринчи ўринни қўлга киритишди.

Ҳамид ПИРИМҚУЛОВ

Қарши ва Ғузор туманларини боғловчи йўлдан машинамиз Манғит кўрғончасига қушдек олиб бораёпти. Бехосдан осмонда момақалдирик гўмбурлаб, шаррос ёмғир қуя бошлади.

Ёнимдаги суҳбатдошим Қарши тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Кўйли Раҳмонов: — Бу йилги мавсумда деҳқонларимизга табиатнинг эҳсонлари чексиз бўлди. Ёмғирни қаранг-а! Ёмғирни йилларда воҳамизда бунақанги кўп ёғингарчилик бўлмаганди. Деҳқонларимизга худо берди, йил баракали келди, ғалладан ҳам, пахтадан ҳам мўл ҳосил кўтарамиз деб қолди хаяжонларимиз.

Биз хўжалик ҳудуди-га тобора яқинлашяп-миз. Ёмғир бир зум ҳам тинмасдан атроф-даги ям-яшил далалар-га жон бағишламоқда. Бизни кўпни кўрган,

суяги далада қотган, хўжалик бошқаруви раиси Аҳмаджон Темиров илиқ табассум билан кутиб олди. Аҳмаджон ака: — 1400 дан ортиқ зотдор молларимиз шу ерда парваришланаяпти, — деди ферма дарвозаси эшигини очиб, бизни ичкарига етакланганча. 14 гектар майдонни эгаллаган фермада молларни парваришлаш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Атроф ободонлаштирилган. Янги йўлакчалар барпо этилган. Моллар ҳам турнақатор тизилишиб, беда, ем-ҳашаклардан озиқланишяпти. Мол-

лардаги алоҳида ажралиб турган бир хусусият эътиборимиз-ни тортди. Кўпчилик сигирлар негадир шохсиз. Сабабини

ларига сотилди. Йил охиригача зотдор молларимизнинг сони яна беш юзтага етади. Шунингдек, ҳозирда 1060 нафар қизилчўл

рини олиб келиб, фермаимизда ўрнатдик. Эндиликда бир кунда 6 тонна сутни қайта ишлаб, сарёғ, қатик, сир, кефир, пишлок, музқаймоқ сингари ўн-икки турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, аҳолига етказилмоқда.

Ёмғир қуяпти. Устимиз шаллобо бўлиб кетди. Қишнинг совуғи-ю, ёзнинг жазирама иссиғида ҳам бирдай алоҳида меҳр билан молларни парваришлайётган чорвадорлар Йўлдош Қарҳоров, Аллаёр Қораев, Холмурод Курбонов, Самад Эгаммуродов, Раҳмат Исмоилов, Фармон Тошевлар меҳнатига таҳсин айтдик.

Раис кўм-кўк далаларни кўрсатиб: 420 гектардаги озуқабоп бедамиз ҳам етилиб қолди. 290

гектардаги ғалла ва арпамиз ҳам бўй кўрсатди. Бизда 550 нафар ишнинг кўзини биладиган деҳқонлар меҳнат қилади. Уларни ойма-ой иш ҳақи, гўшт ва сут билан таъминлаб келаяпмиз. Байрамларда мукофотлардан ҳам қуруқ қолишмайди. Шунингдек, Манғит кўрғончасидаги 59-ва 60- мактабларни ҳам оталиққа олганмиз. Хали фарзандларимиз, Ватанимиз олдида бажарадиган ишларимиз кўп. Бир ёқадан бош чиқариб барисини насиб бўлса адо этамиз — деди.

Ёмғир эрталабгача тинмай ёғди. Бу юртимизга келаятган ризқ-баракадан далолат бўлса керак, деб ўйладим.

Файзулла ЭШКУЛОВ, «Turkiston» мухбири

ЮРТГА БАРАКА ОЛИБ КЕЛАДИ

раисдан сўрадик. Раис жилмайиб, бундан олти йил аввал хўжалигимизда зотдор молларни кўпайтириш мақсадида Германиядан 161 бош “Голштейнфрес” сигирларини сотиб олдик. Натижада қисқа даврда молларимизнинг туёғи етти баробар кўпайди. Мавжуд буқа ва сигирларнинг бир қисми вилоят чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш мақсадида фермер хўжалик-

ва маҳаллий моллар ҳам кўпайтирилмоқда. Бир кунда сигирлардан 1,5 тонна сут соғиб олинаётир. “Қаршисут” ҳиссадорлик жамияти, “Шўртангазнефт” унитар шўъба корхонаси, Қарши шаҳридаги “Юлдузча” болалар боғчаси ва ҳарбий қисмлар сут билан таъминланмоқда.

Яқинда эса Россиянинг Тюмень шаҳридаги заводдан сутни қайта ишлаш ускунала-

2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда халқимизнинг ката қисми қатнашиб, ўзларининг ижобий овозларини беришди. Бу референдумда халқимиз нафақат қатнашди, шу билан бирга Ўзбекистонда бўлаётган ислохотлар ҳамда ўзгаришларга бефарқ эмаслигини амалда кўрсатди, жумладан, ўзининг ҳуқуқий онг ва маданияти ривожланиб бораётганлигини ҳам намоён қилди.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, дунёда иккита давлат йўқки, уларнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти айнан бир-бирини такрорласа! Улар қайсидир жиҳатлари билан ажралиб туради. Бунинг сабаби уларнинг шарт-шароитлари, жўғрофий жойлашиши, аҳолиси, худуди ва бошқа омиллари бир-бирига ўхшамайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг тузилишини, ўз шароитидан келиб чиқиб белгилайди. Бизнинг парламенти-миз ҳам “ўзимизга хос ва ўзимизга мос” тараққиёт йўлидан келиб чиққан ҳолда ривожланган давлатларнинг тажрибаларини умумлаштириб ташкил этилмоқда.

Ҳозирда Буюк Британия, Италия, Испания, АҚШ, Франция, Швейцария, Япония, Бразилия, Аргентина ва бошқа кўпгина давлатларда икки палатали парламент фаолият кўрсатмоқда. Бу давлатларнинг парламентлари икки палатали бўлишига қарамасдан, ҳаммасида ҳар хил тизим жорий қилинган.

Масалан, Аргентина Республикасида юқори қонунчилик ҳокимияти Миллий Конгресс бўлиб, у 72 аъзодан иборат бўлган сенат ва 257 аъзоси бўлган “Депутатлар палатаси”дан иборат. Аргентина қонунчилик ҳокимиятининг эътиборга сазовор томони шундаки, у ерда бошқа давлатларда жорий қилинган каби ҳар беш йилда, ёки ҳар етти йилда парламентга сайлов ўтказилмайди. Балки ҳар икки йилда Депутатлар палатасининг ярми, Сенатнинг учдан бир қисми янгиланади. Франция қонунчилик

ва ҳар хил муддатларга сайланади. Бу ҳол эса парламентнинг иш фаолиятида узилиш бўлмаслигини таъминлайди.

Куйидаги мамлакатларда эса юқори ва куйи палата аъзолари

Янги парламентни ташкил қилишда энг муҳим масалалардан бири— бу депутатликка номзодлар масаласидир. Кўпгина хорижий мамлакатлар Конституцияси ва қонунчилик тизимини ўрганиш

шунинг кўрсатадики, аксарият мамлакатларда депутатликка номзодларга маълум бир талаблар қўйилади. Масалан, Италия қонунчилик ҳокимияти икки палатадан иборат бўлиб, юқори палатага сайланиши учун фуқаро қирқ ёшга тўлган бўлиши лозим.

Албатта, бундай ёш бежиз ўрнатилмаган. Қирқ ёшга тўлган

шахс олий ўқув юртини битириш билан бир қаторда, ҳаётда маълум бир мавқега эришган, яхши-ёмонни таниган, ўз касбини амалиётда синашга улгурган бўлиши табиий. Агар ёш цензини биров туширсак, масалан, шахс 22-23 ёшда фақатгина олий ўқув юртини тугатган ва муайян соҳада ишлаган ёки ишламаган бўлиши мумкин. Бундай шахс етарли даражада ҳаётини тажрибага эга бўлмайди.

Францияда куйи палатага сайланиш учун фуқаро йигирма уч ёшга тўлган бўлиши лозим бўлса, юқори палатага сайланиш учун ўттиз ёшга тўлган бўлиши керак.

Бу давлатда юқори ва куйи палаталарга сайланувчилар учун бундай талабнинг қўйилишида, албатта, маълум бир мақсадлар кўзда тутилган. Масалан, куйи палатанинг асосий вазифасидан келиб чиққан ҳолда депутат учун йигирма уч ёш етарли бўлиши мумкин. Лекин бу масалага мавжуд шароитдан келиб чиқиб ҳолис ёндашади-

ган бўлсак, муайян шахс ўн етти, ўн саккиз ёшда ўрта мактабни ёки лицей, (коллеж)ни тугатса, 22-25 ёшгача бўлган давр оралиғида олий ўқув юртини тугатади, холос. Бизнингча, 23 ёшга тўлган шахс профессионал парламентга депутат бўлиб сайланиши учун бунинг ўзи етарли эмас. Юқори палатага сайланиш учун Францияда 30 ёш цензини белгилаб қўйилишига объектив талаблардан келиб чиқилганлиги табиий. Чунки бу ёшда шахс одамлар орасида озми-кўпми ишлаб улгурган, уларнинг ижтимоий аҳолини тушуниб етган ҳамда уларнинг ҳоқиқат иродасини ҳам ифода-лай оладиган даражада шаклланган бўлади.

Бизнинг фикримизча, профессионал парламентни ташкил этиш даврида депутатлар номзодига қўйилган ёш цензини 27-28 ёш деб ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Сабаби— бу ёшда фуқаро юқорида қайд этилган хусусиятларни ўзида жамлаган бўлади.

Парламентни икки палатали қилиб ташкил этиш, бир томондан мамлакатимиз ўз олдида бош мақсад қилиб ҳуқуқий демократик жамиятни қуриш йўлидаги давлат-ҳуқуқ, суд ва қонунчилик тизимини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш борасида амалга ошираётган ва ижтимоий ҳаётда рўй бераётган жараёнларга, жумладан, демократик тамойилларнинг амалда ўз ижросини топишига ижобий таъсирини кўрсатса, иккинчи томондан, қабул қилинадиган қонунлар сифатини оширишга, ҳар бир ҳудуд манфаатини тенг даражада эътиборга олинишига, палаталарнинг иш фаолиятида бир-бирини мувозанатда сақлаб туришига ёрдам беради.

Нурмат САБУРОВ,
юридик фанлари
номзоди,
Шахзод САЙДУЛЛАЕВ,
талаба

ШАНБАЛИКЛАРДА — ЁШЛАР

Халқимизда: “Ҳашар— элга ярашар”, деган нақл бор. Ўлкамизга баҳор келиши билан гўё ҳашарлар мавсуми ҳам бошлангандек бўлади. Бу ажойиб ҳислат ҳамиша эзгуликка хизмат қилади. “Ҳашар йўли билан бунёд этилди”, деган хушхабарлар тез-тез қулоғимизга чалиниб қолади. Маҳалладошлар ҳашар йўли билан янги оилаларга уй-жой қуриб беришади, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини, етим болаларнинг қўлини ҳалоллашади. Хуллас, ҳашар элу— юртимиз, она халқимизни бир-бирига яқинлаштиради. Кишилар ўртасидаги меҳр-муҳаббат ришталарини яна ҳам мустаҳкамроқ боғлайди.

Юртимизнинг турли жойларида баҳор, Наврўз байрами арафасида ўтказиладиган шанбаликларни ҳам ҳашарнинг бир кўриниши, деб айтиш мумкин. Чунки унда ҳам ҳар бир фуқаро ё биттадан кўчат экади ё маҳалларнинг тозаллиги, ободончилиги учун ўз ҳиссасини қўшишга интилади. Бундай шанбаликларда, айниқса, ёшлар ўзгача шижоат билан меҳнат қилишади. Мактаб ўқувчилари, коллежу лицей, талабаларининг ҳаммаси яхши ният билан умумхалқ ҳашарида иштирок этишади. Талабалар ўқув юрти ҳудудларини, ётоқхоналар атрофини саронжом-сарништа этишга интилишади. Чунки бу жойлар уларга ўз уйларидай қалдрон ва ардоқли. “Талабалар шаҳарчаси”даги мўъжазгина “Талабалар ўрмончаси”, у ердаги ўригүшафтолилар шаҳарчага оқ либос кийдириб, чиройига-чирой қўшиди. Ҳар бир талабалар уйи ёнидаги майдончаларнинг ихлос билан турли шаклларга солиниб гуллар, райхону жамбиллар экишга тайёрлаб қўйилгани ҳам кишини баҳри дилини очади.

— Бугун олдий жамоада ҳам ўзларининг бирдамликлари ва аҳилликларини намойиш этаётган ёшлар, албатта, эртанги келажакни ҳам бирдамлик ва аҳиллик билан қуришларига ишонса бўлади,— дейди ЎЗМУ ётоқхоналар дирекцияси бошлиғи Адҳам Эргашев.

Хуршидбек РЎЗИЕВ



ИЖТИМОЙ МУВОЗАНАТ ОМИЛЛАРИ

ҳокимияти ҳам икки палатадан: Миллий мажлис ва Сенатдан иборатдир. Миллий мажлис беш йил муддатга сайланадиган 577 та депутатдан иборат бўлса, Сенат тўққиз йил муддатга сайланадиган 321 та депутатдан (сенаторлардан) ташкил топган. Ҳар уч йилда Сенатнинг учдан бир қисми янгиланади.

АҚШда давлат ҳокимиятининг олий органи бўлган Конгресс ҳам икки палатадан ташкил топган бўлиб, у Вакиллар палатаси ва Сенатдан иборатдир. Икки йил муддатга сайланадиган Вакиллар палатасининг 435 та аъзоси бўлса, Сенат 100 та аъзодан (ҳар бир штат учун 2 та вакил) иборат бўлиб, 6 йилга сайланади ва ҳар икки йилда Сенатнинг учдан бир қисми янгиланиб турилади.

Бу мамлакатларнинг парламентлари икки палатали бўлиш билан бир қаторда ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Яъни, уларнинг куйи ва юқори палаталари бир хил вақтда ва бир хил муддатга сайланмасдан, турли вақтларда

бир хил муддатга сайланади (ёки тайинланади). Булар Италия, Испания, Недирландия ва бошқалар.

Италия парламенти Депутатлар палатаси ва Сенатдан иборат. Депутатлар палатаси 630 нафар аъзодан ташкил топган бўлса, Сенат 315 та аъзодан иборат ва улар беш йил муддатга сайланади. Италия конституциясига мувофиқ президент хоҳласа бир вақтнинг ўзида Сенат бўлиши мумкин. Бундан ташқари, президент Сенатга давлат олдида буюк хизмат кўрсатган шахслардан 5 тасини умрбод сенаторликка сайлаши мумкин.

Ўзбекистонда ҳам 2004 йилгача икки палатали парламент шакллантирилиши маълум.

Ўзбекистон Республикасининг янги парламенти юқори ва куйи палаталардан иборат бўлиб, улар бир-биридан сайланиш, аъзоларининг микдори, тузилиши, ваколатлари, ишлаш тартиби ва бошқа жиҳатлари билан фарқ қилади.

Ta'lim va islohot

Бухоро шаҳрининг марказида жойлашган Бухоро кооператив техникуми ҳудудий характерга эга бўлиб, республикамизнинг Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятлари учун малакали кадрлар тайёрлайди. Техникумиз умумий ўрта таълим базасидаги 17-21 ёшдаги йигит-қизларни тест синовлари асосида ўқишга қабул қилади.

Айни ўқув йилида техникумнинг кундузги ва сиртқи бўлимларида беш хил йўналишлар бўйича 1500 талаба тахсил олмоқда. Ўқув юртимиз ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш бўйича ўрта махсус таълим муассаси бўлиб,

ЎЗИГА ИШОНГАНЛАР

таълим кундузги ва сиртқи шаклда давлат таълим грантлари асосида амалга оширилади. Иқтисодий таълимнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшадиган малакали кадрлар етиштириш давр талаби. Шундай экан, ўқув юртимизнинг оддий ўқитувчиси-дан тортиб, профессор ўқитувчиларига малакали кадрлар етиштириб беришга жиддий эътибор бермоқдалар. Таълим жараёни кафедра-ларга бирлашган тажрибали профессор, ўқитувчилар раҳбарлигида ўқув машғулотлари, мустақил

таълим соатлари шаклида амалга оширилмоқда. Дарслар шинам ва ёруғ ўқув хоналари, замонавий компьютер ва лингафонлар билан жиҳозланган фан кабинетларида ўтказилади. Тахсил олувчилар учун 3000 дан зиёд китоб фондига эга бўлган кутубхона ва қироатхона ўқувчилар ихтиёрига топширилган. Таълим жараёнининг изчиллигини таъминлаш тахсил олувчиларнинг фанларни мукамал ҳар бир ихтисосликдаги фан ўқитувчиларининг индивидуал ва гуруҳ бўйича маслаҳатлар

ўтказиш йўлга қўйилган. Бунда ҳар бир талаба мустақил ўзлаштириш соатлари давомида навбатдаги ўқув машғулотларига тайёргарлик ва ўзларининг қизиқтирган саволларига жавоб оладилар. Ёшларнинг маънавий етук бўлиб етишишида маънавий ва маърифий ишларнинг аҳамияти бекиёсдир. Шу боис талабаларнинг маънавий ва жисмоний етуклигини таъминлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, кафедра-лар қошида ташкил этилган фан тўғараклари,

бадий ҳаваскорлик ва спорт тўғараклари маънавий етук ва баркамол кадрларни етиштиришга ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Талабаларимиз ўқини жараёнида турли хил тадбирлар ва мусобақаларга қатнашиб, нафақат техникумиз, балки бутун вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётганлар десам янгиланмаман. Фан олимпиадалари ва Жиззахда ўтказилган “Баркамол авлод” спорт мусобақасида ғолибликни қўлга киритган талабаларимиз билан фахрлан-сак арзийди.

Нуриддин БОЗОРОВ,
Бухоро кооператив
техникуми директори

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти томонидан якка тартибдаги тадбиркор Мусаев Миргани Махсудович номига № 041 3504 рақамли берилган савдо гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Свидетельство № 2907 от 12.06.95 г. выданное Аудиторское фирме “Бухгалтер” считать **НЕ ДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ**

Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бошқармаси томонидан “Ўзметлуботсавдо” ассоциациясига қарашли ПТДП “Усто — Замин” корхонасига № 0825956274 рақамли берилган кадастрнинг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ХУШ ҚОЛ...

(Давоми, боши №39 сонда)

(Қисса)

— Жаъфар яна жилмайиб кўйди. — Танишим “Ўзбек Америка сервис”-дан топган вазифа — шу эди. Лекин мен барибир нолимасдим. Ҳарқалай, Америкада “сехрли диёр”-нинг бир маҳкамасида ишлар эдим. Аммо бошлиғимиз жуда жоҳил, кўпол эди. Раҳбарларга ёқиш учун бизга азоб берарди. Яъни, бир кунда қилишимиз мумкин бўлган ишларга икки кунлик вазифаним қўшиворарди. Мактубу посилкаларни тарқатишга улгуролмай бошладик. Бундан жаҳли чиқиб, маошимизни яна-да қисқартириб қўйди. Илож қанча.

— Сен энди ўша сервисида ишлаб, беш-ўн долларни топганингдан кейин Америкага боришни ўйлагансан-да?

— Албатта, - деб жавоб берди Жаъфар. — Бундан ташқари, америкаликларга яқин бўламан. Уни-бунни ўрганаман деб ҳам ўйловдим. Бўлмади.

— Сен бирон институтни тугатганимсан ўзи?

— Ҳа, “Театральный институт”нинг режиссёрлик факультетини тугатганман. Кейин ўз касбимга қайтмасам бўлмайди кўринди. Кинокомпанияда бўш жой йўқ экан. Телестудияга қайтадиган бўлдим. Икки ҳафтадан кейин ишта тушишимни айтишди. Мен кута бошладим. Ахир телестудиянинг режиссёрлари ҳам Америкага бориб келишадикун...

— Хим, Америка жигарингдан урган эканда.

— Ҳа, энди, шу-да...

— Хўш кейин нима бўлди?

III

— Ишта тушишимга бир неча кун қолганда, жуда узоқ бир қариндошимизни учратиб қолдим. Унинг отаси Америкада яшайди — қандайдир штат университетида ўзбек тили ва адабиётдан дарс беради, деб эшитардим. У кишининг ўғли билан хотини Тошкентда яшарди. Опам, яъни онагина улар билан яқинлик қилар, уларнинг уйларига борганларида мани таклиф қилмасдилар ҳам. Мен елкамни қисиб кўярдим, холос. Умуман улар ҳақида гапирмасдилар ҳам. Ман ҳам сўрамасдим... Хуллас, бир кафедра ўшаларнинг ўғлини учратиб қолдим. Унинг исми Ҳабибулло эди. Болаликда яна яқин эдик. Дадаси Америкага кетмасидан бурун. Дадаси кетганидан кейин борди-келдимиз деярли узилганди...Биз эски танишлардек кўришдик. Ўтирдик. Кейин гап ораси-

да ўзининг Америкага икки марта отасини кўргани бориб келганини айтди. Кейин десангиз, Тошкентда ўзининг кантора очгани, Америкага бориб ишлашни истайдиган кишиларни маълум сумма ҳақиға жўнатиб туришини айтди. Менга жон кирди. Суриштира бошладим. Пулни тўлаб, аризани ёзиб берганингиздан кейин бошқа ҳамма ҳужжатларни ўзи тўғрилар экан. Унинг айтишича, Америкага отланган кишиларнинг у ерда маълум муддат ишлагандан кейин қайтиб келиши мумкин. Умуман, Америкага борувчилар сони ҳийлагина экан. Кейин денг, Ҳабиб мандан аҳволимни сўради. Ман айтдим. У ишсизлигимни билиб оқдор ҳол ўз идорасига таклиф этди. Беш-ўн минг сўм пул тайинлайдиган бўлди. Ойига. Бу — оқдор, йўл харажати ва сигаретадан ташқари. Кейин яна айтдики, вақтисоати билан мени Америкага юбориши ҳам мумкин... Тасаввур этиясиз, амаки, нафасим қисилиб қолган эди. Кутилмаганда, жаннат эшигига рўпара бўлган эдим. Ҳа, ўша дамда мандан бахтиёр одам йўқ эди. Ахир, ҳазилми сизга: чиндан ҳам обрўли фирмада ишласанг, яхшигина маош олсанг. У ёғи орзуларинг рўёби Америка! Жаъфарнинг ҳикоясини

— Гапиравер, — оддийгина қилиб деди ҳайдовчи.

IV

— Биз эртаси учрашадиган бўлдик. Мен келишилган вақтда унинг офисига бордим. Ҳабиб менга қиладиган ишларимни, вазифаларимни тушунтирди. Шу кундан бошлаб менинг янги, кўшфаолиятим бошланди. Гапни чўзмасдан айтиб қўя қоламан. Ҳабибулло — офисда уни Ҳаби, баъзилар шунчаки Ҳабиб деб аташарди, — қип-қизил товламачи экан. Афирист!.. Буям кам, амаки. Биринчи кунданок Ҳабиб қўшни хонага чиққанидан кейин у ерда ярим соатча ушланиб қоларди-да, сўнг уйқутираб гулдиратган кишига ўхшаб чиқиб келарди. Бир кун очик қолган тортмасига кўзим тушди. Унда кутичада таҳи бузилмаган ўнлаб “бир марталик” шприцлар, ва йўғон ип ётарди. Демак, Ҳабибнинг наркоман эканлиги аниқ эди.

— Ипни нима қиларкан? — дафъатан сўради ҳайдовчи.

— Вена томирини қисиб чиқариш учун. Муттасил қилинган уколлардан томир кўринмай кетарканда. Кун ўтган сайин мен бу офисда — ўзларининг айтишича, “контора”да янгидан янги ғаройиботларни кўра бошладим. Умуман, Ҳабиб “офис” деб атаган бу идора икки хонали квартирадан иборат бўлиб, тўрт қаватли иморатнинг биринчи қаватида жой-

қолди. Конторада мендан бошқа “секретарша” ҳам бор эди. У хоналарни супуриб сидирар, оқат тайёрлар, телефонга жавоб берарди. Унинг исми Гуля эди, уям наркоманка — гиёҳванд эди. Кеч тушиши билан “офисда” одам кўпайиб кетарди. Улар асосан — наркоманлар эди. Улар Ҳабибда ҳамма вақт героин бўлишини ёки дорини сотиб олиш учун пул бўлишини билганларидан келишарди. Айтмоқчи, улар фақат укол олиш учунгина келишмасди, героиндан ўраб, антикиб-энткиб чекишарди. Тагин денг, катта шкафта пакет-пакет наша ётарди. Нашани шунчаки эрмак учун чекишарди. Ҳоҳлаган меҳмон ундан олиб, сигаретга солиб, эҳ, кечирасиз, папиросга солиб ўрашарди. Шкафта ҳаммаша беш-ўн пачка “Беломор канал” ҳам бўларди. Ҳа, улар нашага қандайдир зарарсиз бир нарсасдек қарашарди. Ҳе, ўйлаб қарасам кимлар келишмас эди. Ёш-ёш қизлар, яъни, ўн етти ёш билан йигирма уч ёш атрофидаги наркоманкалар ҳам келишарди. Тагин ҳар хил афиристлар. Улар бари — Ҳабибнинг танишлари эди! Ҳабибнинг иккита қадрдон дўсти бор эди. Бирини Баҳром, бирини Отабек дейишарди. Улар ҳам ғирт гиёҳванд эдилар. Кейин билсам, ўғри ҳам эканлар. Хуллас бошда “офис” деб аталган бу фирма — ҳар хил қаланги қасангилар: ўғрилар, бангивойлар, бузуқ қизларнинг келиб турадиган маскани экан.

V

— Бир нарсани тушунмадим, — деб қолди Жаъфарнинг ҳикоясини ҳамон жиддийлик билан тинглаб, машинани бир текис ҳайлаб бораётган шофёр. — Хўп, Америкага ишқибозларга ҳужжат тайёрлар экансизлар. Ҳужжатлар у ёққа кетаркан. Баъзисига виза ҳам қўйиларкан... Хўш, бошқаларига дейлик, таклифномами Америкадан ким, қандай ташкилот юборарди? Тавсиянома-ларинг қасрга жўнатиларди?


— Амаки, Ҳабибни — ма-шенник деб айтдим-ку? Бундай бўларди... Ҳабиб Америкага борганида у ёқдаги бир иккита товламачилар билан топишган экан. Ўшалар Ҳабибнинг номига кўп-қуруқ бланкаларни юбориб туришарди, таклифнома бланкаларини. Таклифномаларда печат ҳам қўйилган бўларди. Бошқа ҳеч вақо йўқ. Ҳабибнинг улфатларидан бири бу қорғозларни ўхшатиб тўлдирарди. Қарабсизки, расмий ҳужжат! Америкадаги “офис” номига юборилган!.. Шунинг учун бу “офис”ни — товламачилар қароргоҳи дедим-да... Бундан ташқари Ҳабиб вақти-вақти билан отасини кўргани Нью-Йоркка бориб турарди. Ўшанда у ердаги ҳамтовокларига ҳар битта бланка учун юз доллардан тўлар экан. Биз элчихона учун тайёрлаган бошқа ҳужжатларнинг бланкалари ҳам қалбаки эди. Нью-Йоркдан келарди. Сирасини айтганда, ўзимиздаги Америка элчихонасини ҳам алдардик. Тўғри, улар ўндан бир таклифномага виза босишарди. Визали ҳужжатга ижобий жавоб келарди кўпинча.

— Ҳужжат тайёрлаганларинг учун қанчадан пул олардинглар, ҳар битта лақмадан?

— Етти юз доллардан олардик, — хотиржам жавоб берди Жаъфар. — Ҳужжатли одам элчихонадан виза ололмаса, пули қайтарилмас эди. Баъзи аламзадалар “офис”га келишарди. Лекин — бефойда... Чунки Ҳабиб уларни бошдаёқ огоҳлаттирган бўларди. Ман ҳам... Иккинчидан, улар ноқонуний йўл билан чегарадан ўтишни исташарди: шунинг учун милицияга шикоят қилишолмасди.

(Давоми бор)

Жаҳонгир
ХОЛМИРЗАЕВ



А. ХАКИМОВ чизган расм

диққат билан эшитаётган шофёр бардачокдан бир бакалашка минерал сув олиб, бир-икки култум ютдида, Жаъфарга узатди. Жаъфар ҳам бир-икки ютум олиб, бакалашкани эгасига қайтарди.

— Хўп, кейин нима бўлди? — сўради шофёр идишни жойига тикиб қўйиб.

— Мен анча маҳмудоналик қилиб кетдим. Балки бу гапларимнинг сизга қизиғи йўқдир?

лашган эди. Мен бу маконда эрталдан кечгача ўтиришим лозим эди. Кундуз кунлари конторага Америкага боришни ҳоҳловчилар — ҳар хил тоифадаги одамлар келишар, мен уларга бундай сафарнинг барча шарт-шароитларини тушунтирардим. Хўш, бундан олдин мен бир ҳафтача Ҳабибнинг иш тутишини кузатган эдим, кейин у бу вазифани манга топширувди. Биз асосан Америкага боришни ихтиёр қилганларнинг ҳужжатларини тайёрлар эдик, аммо элчихона берадиган виза учун жавобгарликни бўйинга олмас эдик. Қисқаси, бизнинг вазифа — ҳужжатларни Америкага жўнатиш ва у ёқдан ўша одамнинг номига таклифнома юборилишини сўраш эди, холос. Тагин бир ҳужжатларга ўзимизнинг, Ҳабибнинг айтишича, “обрўли” фирмамиз номидан ўша одамлар ҳақида яхшигина характеристика каби бир неча ҳужжатлар ҳам қўшардик. Ҳалиги одамлар бизнинг ушбу ҳужжатларимиз билан Американинг элчихонасига боришар, у ерда айримларнинг ҳужжатларига сафар визасини қўйишар, кўпчиликка виза беришмас эди. Биз ўша ҳужжатларни тайёрлаб, ҳақини олардик холос. Бошқаси билан ишимиз йўқ эди.

— Зўр, зўр экан “офис”ларинг, — деб қўйди шофёр.

— Бошда айтдимку, — деб давом этди Жаъфар. — Шундан кейин Ҳабибулло кундуз кунлари фақат тушлик қилиш учун ёки навбатдаги уколни олиш учун конторага келадиган бўлиб

ЮЛДУЗЛАР СЎЙЛАГАНДА (8.04-14.04)

КҲҲ



Келаётган ҳафта сиз учун омадли ва хайрли бўлади. Сешанбада севганингиз кўнглини олинг. Чоршанбада кўнгилли харидлар қиласиз. Жумада амалий битимлар тузишингиз мумкин. Шанба кун моҳарола юз беришидан эҳтиёт бўлинг. Душанба — ноқулай кун.

БУЗОК



Ҳафта амалий учрашувлар билан бошланиши яхшиликдан дарак беради. Чоршанбада хушхабарлар эшитасиз. Жума ва шанбада айрим нохушликлар юз бериши мумкин. Якшанбада савдода омадингиз келса ажабмас. Пайшанба — Омадли кун.

ЭГИЗАКЛАР



Келаётган ҳафтада яхши кайфият сизга ҳамроҳ бўлади. Маҳбуб ёки маҳбубангиз билан топишасиз. Жумада моддий жиҳатдан рағбатлан-тириласиз. Сешанба — ноқулай кун.

КИСКИЧБАКА



Ҳафта бошида хушхабарлар эшитасиз. Ҳафта ўрталарига бориб соғлигингиз хусусида моҳароли вази-ятларга дуч келишингиз мумкин. Дам олиш кўнларида суюқлигингиз кўнглини олинг, уни қувонтиринг. Душанба — яхши кун.

АРСЛОН



Келаётган ҳафтада сизга яхши кайфият ҳамроҳ бўлади. Ҳафта боши ва охирида маҳбуб ёки маҳбубангизни қувонтирасиз. Пайшанбада кўнгилли харидлар қилиш имкони туғила-ди. Яхши кунлар — жума, шанба.

ПАРИЗОД



Навбатдаги ҳафта сиз учун омадли ва хайрли келади. Кўнларингиз сермазмун ва таассуротларга бой бўлади. Ҳафта бошида кўнглингиз равшан тортади. Сешанбада хушхабарлар эшитасиз. Пайшанба моҳароли вази-ятларга дуч келишдан сақлангиз. Жумада соғлигингиз борасида муаммолар туғилиши эҳтимоли бор. Душанба — яхши кун.

ТАРОЗИ



Келаётган ҳафтада мўлжалланган ишларни иложи борица ҳафтанинг биринчи ярмида қилганингиз маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярмида бироз толиқиш сезилади, соғлигингиз хусуси-да ўйлаб кўришга тўғри келади. Дам олиш кўнларида табиат кўнида ҳордик чиқариш айна муддао. Душанба — яхши кун.

ЧАЁН



Ҳафта сиз учун омадли ва хайрли келади. Сешанбада пулингизга пул қўшилади. Чоршанбада хушхабарлар эшитасиз. Пайшанбада алда-ниб қолишингиз мумкин. Дам олиш кўнлари табиат кучоғида ҳордик чиқаришга ҳаракат қилинг. Душанба — яхши кун.

ЎКОТАР



Ҳафта бошида соғлигингиз хусу-сида ўйлаб кўринг. Чоршанбада моддий рағбатлантириласиз. Як-шанба амалий битимлар тузишга қулай кун. Пайшанба — яхши кун.

ТОҒ ЭЧКИСИ



Келаётган ҳафта сизни ҳар жи-ҳатдан қувонтиради, дейишга тўла асос бор. Бу ҳафтада кўпгина хуш-хабарлар эшитасиз. Шунингдек, мо-лиявий масалаларда ҳам ижобий ўзгаришлар бўлади. Буларнинг барчаси ҳаф-танинг биринчи ярмида юз беради. Ҳафта-нинг иккинчи ярмида яхши ҳордик чиқара-сиз ва яқин кишингиз қувончига қувонч қўша-сиз. Душанба — омадли кун.

ҚОВҒА



Ҳафта воқеаларга унча бой бўлма-са-да, мазмунсиз ўтмайди. Ҳафта бошида кайфиятингиз яхши бўла-ди, хушхабарлар тинглайсиз. Пай-шанба ва жума кўнларига бориб ай-рим зиддиятларга дуч келишингиз мумкин. Лекин ҳафта охирига бориб ҳаммаси ўрнига тушади. Сешанба — яхши кун.

БАЛИҚ



Ҳафта бошида соғлигингиз ху-сусида ўйлаб кўрмоқ жоиз. Чоршан-бадан бошлаб молиявий ва ама-лий ишлар борасида ишларингиз юришади. Жумада хушхабарлар тинглайсиз. Якшанба дам олиш учун қулай кун.

ВЕНГЕРВОРД

Ц	Й	Е	Г	Р	Е	И	Ф	О	Р	А	Н	Д	О	Р	Р	Г
А	Ш	В	Е	Ц	Ц	Н	Л	П	Т	Я	С	П	А	Р	И	Н
Р	И	Ш	В	И	И	Я	Н	У	И	И	А	С	Л	Я	Е	
С	Я	А	К	Я	Я	И	Д	Д	Г	Н	О	Н	И	О	В	В
Л	О	В	И	Я	Л	А	Н	И	А	Я	Д	Ч	Я	Я	Е	Н
Б	А	Н	И	Я	Р	Е	М	Я	Л	И	Е	Е	Ц	И	М	И
Л	А	Н	И	Д	Е	С	Б	Г	М	А	К	Р	Н	Ф	О	Я
Л	А	Н	Г	Л	Ю	К	У	Р	Е	Г	О	Н	А	Р	Н	А
И	Е	Н	Л	И	Я	Н	О	Р	В	И	Г	О	Р	И	Я	К
Х	Т	Ш	Т	Е	Й	Н	А	Н	И	Я	Я	Ш	Р	И	Я	О
Р	М	А	Н	И	Я	Ч	Д	Я	Я	Д	И	Н	Т	Л	Ь	Т
Е	И	Р	Л	Я	И	Е	Х	И	А	Н	Б	М	С	А	М	А
Г	Ш	О	А	Н	Д	Т	И	С	Л	Л	Е	О	В	И	Д	С
А	Л	Т	Г	А	Л	А	Р	И	Г	Ь	И	Л	А	Я	Н	Е
Н	Я	О	Л	Р	И	М	У	Я	И	У	Й	И	Р	Л	А	Р
Д	И	Б	Я	И	Я	И	Н	И	Я	Э	Л	Ь	С	Я	И	В


Ушбу бошқотирмада
35 та давлат номи яширинган

Тузувчи:
Ақромжон ХУҲАМОВ

Ko'ngil ijodxonasi



БУНДА СЕН БОР, БУНДА МЕН БОР



Хар бир адабиёт муҳбининг ўзи ёқтирган ёзувчи ё шоири бор. Мен хусусан ёш шоир Илҳом Каром шеърларини ўқиб бораман. Чунки у аввало кўнглида нима бўлса, шунини "пардоз" ламасдан қоғозга туширади. Самимий ёзади. Айниқса, сал илгарироқ чоп этилган "Кўнглимдаги қиз эдинг" номли тўпламини ўқиб, шу хулосага келдим. Шундан буён унинг ҳар бир чиқишини қизиқиб кузатиб бораман. У, шеър шарҳланмайди, дейди.

Мухлис

Эй, гул

Эй, гул, юз очдингиз яширин,
Эй, гул, насим, тонг ила шабнам...
Эй, гул, аразларингиз ширин,
Эй, гул, гўзал титроғингиз ҳам.

Сузилади келинчак — ҳиллол,
Борлиқ... Олам ёзар қулочин.
Ёлғондан севганман, эҳтимол,
Лек кўкларни соғинганим-чин.

Эй, гул, дилда сўроғим гуллар,
Эй, гул, чашми қароғим гуллар.
Сувдек ютдим ифорингизни,
Эй, гул, энди томоғим гуллар.

Майсанинг тилини тушундим,
Гиёҳларни босдим бағирга...
Кўнглим тўлди, яна севгилим,
Қорачиғим илиқ ёмғирга.

Эй, гул, ҳаволардан ичармиз,
Эй, гул, даъволардан кечармиз.
Қўл ушлашиб, бармоқ ушлашиб
Эй, гул, дунёлардан кечармиз!...

Кўзингиз тушмаса, гулдамас баҳор,
Кўзингиз тушмаса, чечаклар сўлғин...
Ҳар битта гиёҳда назарингиз бор,
Кўзингиз тушмаса, жўшмайди тўлқин.

Кўзингиз тушмаса, қарийди кўзим,
Кўзингиз тушмаса, юрак тугунча.
Барибир тураман нимадир сезиб,
Кўзингиз тушмаса, титрайди гунча.

Кўзингиз тушмаса, рангсиз хотира,
Қонлар томирида қотар-оқимсиз.
Осмон мунғайгандай, юлдузлар хира,
Кўзингиз тушмаса, ой ҳам ёқимсиз.

Кўзингиз тушмаса, дунё ғарибдир,
Яна... соғинасиз — шунини биламан.
Сиз мени ҳар куни кўрасиз, ахир,
Кўзингиз тушмаса — кетган бўламан!

БОР ЛАЙ

Оддийгина турмуш,
Совуқгина рўзғор.
Кўрпа-тўшак, қозон, чўмич...
Бунда сен бор, бунда мен бор.

Гоҳида кўнглим момикдай,
Гоҳида қоядай кибор.
Ўн йилки, ҳеч нима йўқдай,
Бунда сен бор, бунда мен бор.

Фасллардай тийнатишимиз,
Баъзан куз, қиш, баъзан баҳор.
Тинар бўлсак, зийнатишимиз,
Бунда сен бор, бунда мен бор.

Эсимга тушгайман ўзим,
Болалигим — ўғлим боқар.
Кулгуси бебаҳо қизим,
Бунда сен бор, бунда мен бор.

Имконимга йўқ баҳона,
Яратган бермаса бекор.
Иккимизга икки хона
Бунда сен бор, бунда мен бор.

Нима бўлар, гулни кутмасак?
Нима бўлар ютмасак ифор?
Нима бўлар, эриб кетмаса,
Бир кунгина чидаб берса қор?

Нима бўлар энди ҳисларим,
Нима бўлар боладай сөзгим?

Нима бўлар ёмғир ислари,
Сочингизга чўмилса, севги?

Нима бўлар тушим — Асила,
Нима бўлар, ҳаёлим — ялпиз?
Нима бўлар бошимни силаб,
Юзингиздан бир ўптирсангиз?

Нима бўлар, бу оқшом, бу тун...
Нима бўлар, эртагим энди.
Узоқмадим, кўнглимни бугун,
Нима бўлар эртага энди?..

Менга қадри баланд кечаги куннинг,
Кечаги ёмғирнинг, кечаги кузнинг,
Эслайсизми, сузук кўзингиз қулиб,
Кечаги айтилган ҳар битта сўзни?
Мани ёдингиздан чиқармайсизми?

Бари кечганларим кўзимга чўгдек
Ёниб тураверар кўргизиб сизни.
Қанча имконларим қўлимдан чиқди,
Эсласам, сархушлик-гулоб, май сизми?
Мани ёдингиздан чиқармайсизми?

Тикилиб айтгандим ҳаммасин тошга —
Шаробдай тутгандим юракдан ҳисни,
Денгиздай тебранган, дарёдай тошган
Кўнглимни тўлқин-ла, суғормайсизми?
Мани ёдингиздан чиқармайсизми?

Менга қадри баланд кечаги куннинг,
Кечаги дилдорлиғ, кечаги иснинг...
Гўё мени кутгандай қаршилаб тунни,
Осмонга термулиб, кучоқлаб тизни,
Мани ёдингиздан чиқармайсизми?

Илҳом КАРОМ

КУЛГИ БЕКАТИ

ҲОЗИРЖАВОБ ОТА

— Дада, ҳозир келиб кетган киши сизни нега юзсиз, деб атади. Юзингиз бор-ку.

А-а? Ҳа, болам, у кишининг кўзи яхши кўрмаса керак.

ИЛК СЕВГИ

— Мени севасанми?
— Албатта.
— Қандай севасан?
— Жуда севаман.
— Афсус...
— Нега "афсус" дейсан?
— Сен бу йил мактабга борасан. Мен эса яна бир йил боғда бўламан. Мактабга бирга

борганимизда, биргаликда тамомлардик?
— Ҳечқиси йўқ. Мен синфда бир йил қоламан, кейин бирга ўқийверамиз.

ҲАРОРАТ

— Жасур! Салом!...
— Э-э... Сенмисан, ваалейкум ассалом.
— Тинчликми? Жуда қизарибсан. Мажлисдан чиқдингми дейман?
— Йўқ, дўстим, йўқ. Уйдан келаяпман. Хотиним ҳозиргина ичкиликнинг зарари ҳоқида навбатдаги лекциясини ўқиди.

С. ҲОШИМОВ
тўплади

ЭЪЛОН

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваториясидаги "Қамолот" жамғармаси ўз фаолиятини тўхтатиб, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати деб юритилмоқда.

БОЗОР

Иқтисодий фаолият Фойда	Чуқ тушмиш Топлар қилинмиш	Эпик жар	Насриддин	Орқа	Тамаш мисрали Рекам
Ранг	Улкан сув ҳайвони	Чет эл фирмаси	Ақил қўлчиси	Сарали ҳашарот	Дона
Шикор Зеб	Келин қилин Номус	Имгирини	Қимматба да мута Хазина	Терилмай	Хамол Кун Нота
Фарёд	Эркин	Нота Бугдой	Уй ҳайвони	Шароит	Фол

Тузувчи: Махмуд КАЮМОВ

Turkiston

МУАССИС:

«ҚАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон
Давлат Матбуот
қўмитасида
№ 00012 рақам
билан рўйхатдан
ўтган.

Босимга топшириш
вақти-21.00
Топширилди 21.00

1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А-3.

Бош муҳаррир:
Салим АШУРОВ

Таҳрир ҳайъати:

Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖЎРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Исроҳон ҲАМРО, Райрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Гаффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

Таҳририятта юборилган
материаллар
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри
таҳририят нуқтаи назаридан
фарқланishi мумкин.

Вилоят мухбирлари:

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича —
Термизда: 8-37-622 — 3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича —
Бухорода: 8-36-522 — 3-37-44
Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича —
Гулистонда: 8-36-722 — 4-02-86
Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича —
Фарғонада: 8-37-322 — 4-54-61
Наманган вилояти бўйича — Наманганда: 8-36-922 — 6-10-70
Самарқанд вилояти бўйича — Самарқандда: 8-36-62 — 34-43-89
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича —
Ургучда: 8-362-22 — 7-45-22

Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428

Газета таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди

Манзилнингиз:
700083, Тошкент, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Телефонлар: 133-95-97,
Реклама бўлими:
(3712) 133-79-69

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида
чоп этилди.

Навбатчи муҳаррир:
Ойдин ЙЎЛДОШЕВА

Саҳифаловчи:
Нодирбек ОРТИҚОВ